



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (14.009)

Баҳоси эркин нарҳда

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 октябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Эслаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори, орадан бир ой ўтиб, яъни 22 ноябрда "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралы уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қўриб турибдики, эндиликда қишлоқлар ҳам, шаҳарлар ҳам улкан бунёдкорлик ишлари билан қамраб олинди. Ҳамма жойда уйлар қурилиши жадал тус олди.

2016 йилда давлат дастурлари доирасида қишлоқларда 13 мингта тураржой, тадбиркорлар томонидан 13 минг 189 хонадонли уй қурилган бўлиб, бунинг учун 4 триллион 330 миллиард сўм сарфланган. 2017 йилда эса давлат дастурлари доирасида қарийб 29 мингта, жумладан, қишлоқларда 20,3 мингта, шаҳарларда 8,5 мингта яқин тураржойлар қад кўтарган. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан 16 мингдан зиёд хонадонли уйлар қурилган. Яъни, умумий ҳисобда қарийб 45 мингта уй-жой барпо этилиб, бунинг учун 6,2 триллион сўм сарфланган.

Утган йили бунёдкорлик кўлами янада кенгайди. Хусусан, давлат дастурлари доирасида 42,2 мингта, жумладан, қишлоқларда 25,3 мингта, шаҳарларда қарийб 17 минг тураржой, тадбиркорлар томонидан жами 19,7 минг квартирандан иборат уйлар қурилган. Яъни, қарийб 62 мингта уй-жой барпо этилиб, 12 триллион 130 миллиард сўм сарф-харажат қилинган.

Жорий йилнинг ўтган даврида давлат дастурлари доирасида қарийб 30 мингта, жумладан, қишлоқларда 15 мингдан зиёд, шаҳарларда 15 мингта яқин тураржой, тадбиркорлар томонидан эса жами 19,5 минг хонадонни ўз ичига олган уйлар барпо этилган. Умумий ҳисобда қарийб 49,5 минг уй-жой қурилиб, бу-

нинг учун 12 триллион 24 миллиард сўм йўналтирилган.

Хисоб-китобларга кўра, халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун эса, қарийб 30 триллион сўм зарур бўлади. Бу маблағ давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёдини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, давлат бюджетининг бунча қисмини босқичма-босқич қоплаб олиш мумкин эмас. Шунингдек, давлат хусусий сектор иштирокида аҳоли эҳтиёжини тўла қондириши қийин. Шу боис, йиғилишда ипотека тизимига босқичма-босқич бозор механизмларини жорий этиш, соҳада хусусий секторнинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Янги тизимга мувофиқ, кўп қаватли уй-жой қурилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан ер ва ипотека кредити учун банкларга маблағ ажратилади.

Уй-жойлар нархининг ошириб кетмаслиги ва ҳамёнбop бўлишини таъминлаш бўйича ҳам зарур чоралар қурилади. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб 16 мингта оилага бошлангич бадал ва кредит фоиз харажатлари учун бюджетдан субсидия ажратилади. Ушбу субсидиялар оқилом уйлар бошлангич бадалнинг 10 фоизи ҳамда Тошкент шаҳри учун 12 фоиз, қолган шаҳарларда 10 фоиздан юқори кредит фоизлари қоплаб берилади. Мазкур янги тизим келаси йилдан Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва пойтахтимизда таъриб тарихида жорий этилади. Қолган ҳудудларда эски тартиб сақланиб қолиб, янги тизим унга рақобатчи бўлади.

Йиғилишда уй-жойларни танлашда ҳақиқатан муҳтож оилаларни танла олиш мезонлари йўқлиги, таниш-билишчилик ва суиистезмол ҳолатлари борлиги танқид қилинди.

Мутасаддиларга кам таъминланган оилаларни тан-

лашнинг шаффоф мезонини ишлаб чиқиш, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларида Доимий ишчи комиссиялари тузиш бўйича топшириқ берилди. Комиссияда банк, молия, солиқ, маҳалла ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этиши, уйлари бериш кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда қишлоқларда уй-жой қуриш тизимини ислоҳ қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада ҳам рақобат ва сифат бўлиши учун буюртмачи функцияси "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясидан босқичма-босқич хусусий секторга ўтказилиши белгиланди. 2020 йилда 12 мингта уй-жойдан 8 мингта амалдаги тартиб бўйича, 4 мингтаси хусусий сектор томонидан қурилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига уй-жойларни хусусий сектор томонидан қуришни янги тартибини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Уйлар нархини тушириш ва сифатини ошириш учун инновацион қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Масалан, гишт ўрнига газобетон ва пенобетондан фойдаланилса, ишлаб чиқаришда газ сарфи 8 баробар камаяди ҳамда иссиқлик сақлаш 5 баробар ошади.

Йиғилишда, шунингдек, шаҳарсозлик нормаларини такомиллаштириш, қишлоқларда қурилаётган уйлари муҳандислик инфратузилмасига улаш, экин ерларига ўзбошимчилик билан уй-жой қурилишининг олдини олиш ва муҳофазасини кучайтириш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА



● Термизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда партия вилоят кенгашининг 2015–2019 йиллардаги умумий фаолият бўйича ҳисоботи ҳамда жорий йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида иштирокининг устувор йўналишлари муҳокама этилди.

● Бойсун туманида "Бойсун барака чеварлари" қорхонаси фойдаланишга топширилди. Енгил конструкцияли қурилиш материаллари асосида бир ойда қуриб битказилган қорхона ишга туширилиши билан 150 нафар хотин-қизнинг бандлик масаласи ҳал этилди. Хитой, Туркия ва Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган замонавий мажмуада кийиниш, ювиниш, дам олиш, тиббиёт хоналари, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар барпо этилган. Тогли туманда янги қорхона қуриб, жиҳозлаш учун 1 миллиард 700 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

● Нукус шаҳрида БМТ шафелигида "Оролбўйи – экологик инновациялар ва технолологиялар зонаси" мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган 200 дан ортиқ меҳмон – хориз давлатлари дипломатик корпуслари, халқаро экологик ташкилотларнинг вакиллари, соҳа мутахассислари аввал Орол инқироизи оқибатлари, уни бартараф қилиш бўйича инвестицион лойиҳаларга бағишланган кўргазмалар билан танишди.

● Давлат хизматлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шаҳар ва туман давлат хизматлари марказлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

● Андижонда вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, "Ойла" илмий-амалий тадқиқот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлимлари ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Ибрatли ойла" республика кўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида туман ва шаҳарларда голиб, деб топилган 16 оила иштирок этиб, белгиланган шартлар асосида голиблик учун баҳс олиб борди.



● Англиянинг Эссекс графлиги ҳудуди ичида 39 кишининг жасади бўлган юк машинаси топилди. Автомобиль Англия шарқидagi Грейс шаҳарчасида жойлашган саноат ҳудудидан топилган. Полиция тун ярмида воқеа жойига келган. Хабар қилинишича, фура ҳайдовчиси – 25 ёшли ирландиялик қотилликда гумонланиб қўлга олинган. Машина юкхонасида бўлганларнинг 38 нафари катта ёшлилар ва бир нафари ўсмир ёшида бўлган. Маҳаллий полиция департаменти зобити Эндрю Маринер ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш учун кўп вақт кетиши мумкинлигини айтган. Маълум бўлишича, фура Болгариядан келган ва Буюк Британия ҳудудига кирган. "Биз қотилликка алоқадорликда гумон қилиб ҳайдовчини ҳибсга олдик, текширув ишлари давом этмоқда", – деди Маринер.

● Бразилияда енгил самолётнинг аҳоли гавжум кўчага кулаб тушиши натижасида уч киши ҳалок бўлди, шунча одам жароҳатланди. Таъкидлаш жоизки, самолётнинг салонида жами етти киши бўлган. Улардан фақат биттаси ҳаётдан кўз юмган, қолганларнинг барчаси кўчадаги кишилардир.

● Германияда "Люфтганза" авиаккомпанияси ишчи-хизматчилари иш ҳақларини оширишни сўраб, норозилик намойишларини ўтказиётганлиги боис ўнлаб рейслар бекор қилинди.

Сайлов – 2019

САЙЛОВЛАРНИ ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИШДА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловини ўтказувчи 150 та округ сайлов комиссияси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ва котиблари учун семинар ташкил этилди.

"Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар!" шиори остида ўтадиган муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик қизгин давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо Улуғбек Абдусаломовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш – сайлов кампаниясининг муҳим бир жараёни бўлиб, буни қонуний, адолатли, холис ва юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш сайловчиларнинг нуносиб номзодларни танлаб овоз бериши учун катта аҳамият касб этади.

Жорий йилги сайловлар илк бор янги Сайлов кодекси асосида ўтказилади. Кодексдан сайловларни умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошкора ва шаффоф ўтказишга хизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоидалар жой олиб, илгари амалда бўлган кўплаб чекловлар чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 37-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат ва фақат сиёсий партиялар эга бўлди.

Сайлов Кодексининг 9-моддасига мувофиқ сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчи-

лар сонининг йўл қўйилмайдиган энг кўп четга чиқиши, қоида тарихида, 10 фоиздан ошмаслиги кераклиги белгиланди. Аввалги қонунчиликда бу микдорнинг чегараси белгиланмаган эди. Худди шундай яна бир янгилик: эндиликда Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилган тақдирда округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 9-11 нафар таркибда сайловга камида 70 кун қолганида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Округ сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тавсия этилади. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузилади.

Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилиши инoбатга олинган ҳолда қоида тарихида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда белгиланади.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ЭКСПЕРТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви, бу жараёндаги асосий тенденциялар, муаммолар ва истиқболлари муҳокамасига бағишланган анжуман ташкил этилди.

Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимизда банк активлари ҳажми 32,8 фоизга, кредит қўйилмалари 45 фоизга, жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 34,6 фоизга ўсган. Хорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар фаоллаштириш натижасида товарлар экспорти ҳажми жорий йил биринчи ярмида 48,8 фоизга ошиб, 1,1 миллиард АҚШ долларидан зиёд валюта маблағлари иқтисодиётимизга кириб келиши таъминланган. Шунга мос равишда мамлакат олтин-валюта захиралари ҳажми 1 сентябрь ҳолатига кўра 27,9 миллиард долларга етган.

Илмий-амалий анжуманда банк-молия соҳаси мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "ЎзЛиДeП" партияси фракцияси аъзолари, халқаро ташкилотлар экспертларининг таъкидлашича, ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти жаҳон молия бозорига глобаллашувида ижобий тенденцияларга эга бўлаётганини ифодалайди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорига интеграциялашув жараёнини фаоллаштиришда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим масалалар бор. Булар Ўзбекистонда миллий банк, сугурта, корпоратив бошқарув тизимлари моделларини ислоҳ этиш ва такомиллаштириш, хусусийлаштириш механизми, қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш, ташқи инвесторлар билан давлат-шериклик асосида ишлаб чиқариш ривожлантириш каби қатор устувор вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциялашувида яна бир муҳим йўналиш борки, бу мамлакатда молиявий шаффофликни таъминлашдир. БМТ Тарақиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳаси мувофиқлаштирувчи Виктория Аношкинанинг таъкидлашича, сўнгги йилларда мамлакатимизда айна йўналишда жиддий ислохотлар олиб берилмоқда.

– Ўзбекистонда бюджет қонунчилиги такомиллаштирилмоқда, – дейди В.Аношкина. – Утган йилдан мамлакатда ўрта муддатли бюджетни режалаштиришга ўтилди. Хисоб ва ҳисобдорлик тизимларининг халқаро стандартларга мослиги таъминланмоқда. Фискаль маълумотлар очикланмоқда, хусусан, 2018 йилдан фуқаролар учун бюджет тўпلامини нашр этиш йўлга қўйилди. Шу тарихида Ўзбекистон ҳукумати фуқароларга бюджет маблағларини шакллантириш манбалари ва сарфлаш йўналишлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этувчи юздан ортиқ давлатлар қаторига қўшилди.

Анжуманда фискаль шаффофлик йўналишлари, хусусан, мамлакатимизда ўрта муддатли бюджетни режалаштиришнинг ривожлантириш бўйича тавсиялар илгари сурилди.

Конференция доирасида давлат облигацияларини чиқариш бўйича Ўзбекистон таърибда, халқаро рейтинг ва индекслар аҳамияти, ягона банк платформаси, пул-кредит сиёсати, молиявий хизматларни рақамлаштириш истиқболлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Малоҳат ХУСАНОВА

Сайлов – 2019

САЙЛОВЛАРНИ ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИШДА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент ҳузуридagi Давлат бошқаруви академияси, етакчи олий таълим ўқув юртлири, Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ва соҳанинг бошқа таълим, илмий, амалий, тадқиқот муассасалари олимлари, экспертлари ва амалиётчилари билан ҳамкорликда семинар-тренинглар дастурлари ишлаб чиқилгани, бунда аънанавий маърузабозликдан воз кечилиб, асосий эътибор амалий кўникмаларни оширишга қаратилганлиги ҳақида айтиб ўтилди.

Шу кунга қадар сайлов комиссияларининг 51 мингга яқин раис, раис ўринбосари ва котибалигига номзодлар уч кунлик курсларда ўқитилган. Айни кунларда семинар-тренингларнинг навбатдаги босқичи давом этмоқда. Ҳодимларга сайлов комиссияларининг 30 мингдан кўпроқ аъзоси жалб этилган. Сайлов кўнигача жами 180 мингга яқин киши тизимли равишда ўқитилиши назарда тутилган.

Тадбирда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати 18 ғашга тўлган, доимий ёки вақтинчалик рўйхатда турувчи, муомалага лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (20 миллиондан зиёд фуқаро) ҳақидаги маълумотлари жамланган давлат ахборот ресурси ҳисобланади. СЯЭРда бир сайловчининг икки марта овоз бериш ҳолатларининг олдини олиш, сайлов участкаларига тегишлилиги бўйича, қўлмас мунк объектларининг қадастр рақамларига боғланган ҳолда, сайловчилар рўйхати шакллантирилганлиги қабул қилинган.

– Бу йилги сайловларга замонавий ахборот технологияларининг жорий этилаётганлиги нафақат сайлов иштирокчиларининг ишлари осонлаштиради, балки сайловчилар учун ҳам кенг имкониятларни яратди, – дейди Хоразм вилояти округ сайлов комиссияси раиси Мадийёр Бобоҷонов. – Хусусан, сайловчиларнинг электрон рўйхатини шакллантириш орқали овоз

беришда қатнашувчи фуқаролар, уларнинг сайлов участкаларига тегишли маълумотлари билан танишиш мумкин. “Сайлов – 2019” мобил иловасининг яратилгани ундан жой олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув материаллари, савол-жавоблар, тестлар, барча аудио ва видео материаллардан фойдаланиш учун катта имкониятлар. Илова қўлай ва тезкор зарур ахборотни олиш имкониятини беради. Уз навбатда, фуқароларимиз, сайловчиларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, йилги сайловларда сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш, депутатлик номзодларни рўйхатга олиш, сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби, сайловдан ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш, халқро ва хорижий кузатувчилар билан ишлаш каби масалалар ҳақида атрофлича маърузалар тингланди.

Нурилло НАСРИЕВ

ЯНГИ КОДЕКСНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Кеча Олмасор туманида ташкил этилган туман сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари аъзолари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича семинар ўтказилди.

Семинар машғулотда шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Р.Ҳакимов томонидан семинар қатнашчиларга туман сайлов комиссияси олдида турган вазифалар, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг Сайлов кодекси 22-моддасида белгиланган ваколатлари амалга ошириш ҳамда тузилган сайлов участкалари жойлашуви, маркази учун ажратилган бинолар ва сайловчилар ҳақидаги маълумотларини ҳар томонлама аниқ ва пухта бўлиши таъминлаш масалалари атрофлича тушунтирилди.

Маълумки, Тошкент шаҳри бўйича 60 та шаҳар Кенгашига, 327 та туман Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган. Бугунги кунда округ сайлов комиссиялари ўзлари учун ажратилган биноларда ўз фаолиятини бошлаган.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси

Марказий сайлов комиссияси котибияти раҳбари Худойёр Маматов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Баҳодир Юнусовлар иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари семинар қатнашчиларига бугунги кунда Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар, “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар!” шiori остида янги Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятининг сайловчиларга ҳар томонлама кенг қамровли тушунтири берди.

Семинар қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан 2019 йил 20 октябрдан 20 ноябрга қадар сайлов қўнунчилиги тарихоти ойлигида фаол иштирок этишларини ва сайловчилари ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси Матбуот хизмати



“Ҳар бир оила – табиркор” дастури – амалда

ҚУЛАЙ, ЧИРОЙЛИ ВА АРЗОН

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини табиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий табиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-табирлар тўғрисида”ги қарори пайтахтимиш аҳолини олдида қўшимча ва барқарор даромад олиш борасида янги имкониятларни яратиб берди.

“Ҳар бир оила – табиркор” дастури асосида Олмасор тумани молия бўлимининг оилавий табиркорликни ва аҳолини ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш бўйича сектори ходимлари фуқароларга йилига 8 фоизли ставка бўйича 3-6 ойлик имтиёзли муддат билан кредитлар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ушбу сектор мутахассиси Бахтиёр Қўчқоров сўзларига кўра, ўтган ойлار мобайнида 350 дан ортиқ ташаббускор оилалар 30 миллиард сўм ҳажмида имтиёзли кредитлар олди. Бу эса уларга талаб катта бўлган ўнлаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорни сифатли ва нархи арзон маҳсулотлар билан тўлдирish имконини берди.

Олмасор тумани “Гуручарик” маҳалласида яшовчи меҳнатсевар Хожиакбар Акрамов ҳам мазкур имтиёздан фойдаланди. 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит ёвазига у таниқли Хитой бренди “DUKI” дан поймабзал тиқиш бўйича замонавий ускуналарни харид қилди. Улар кам электр энергия сарфлаган ҳолда турли дизайн ва ўлчамдаги болалар ва эркеклар поймабзалларини тайёрлаш имконини бериши билан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда бу ерда Хожиакбарнинг турмуш ўртоғи Дилфуза Қаромовадан ташқари қўшни маҳалладан яна уч киши меҳнат қилмоқда.

– Маҳсулотларимиз – ботинка, туфли, босаножка, танкетка, шилпак ва сандалларнинг арзон таннаҳи ва юқори сифати бозорда уларга бўлган талабни таъминламоқда, – дейди табиркор. – Бу эр экологик софлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган маҳаллий хом ашё – теридан фойдаланамиз.

Ҳозирги пайтда Хожиакбар Акрамов бир неча миллион сўмлик маҳсулотни сотишга эришди.

Х.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТАБИРКОРЛАР МУРОҲААТЛАРИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Маълумки юртимизда кейинги йилларда табиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қўлай муҳит яратиш, табиркорликнинг қўнуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилини, рўхсат бериш ҳужжатларини олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, табиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режалари текширувдан беқор қилинди.

Шу ўринда айтиш жокики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Табиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-табирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонга кўра, табиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг муурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва текозорчилиги ошириш, улар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қўнуний талабларини самарали рўёбга чиқариш ва муаммолари масалаларини ҳал этиш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани кўпайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридagi Табиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил, Инвестициялар ва тиқиш савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил қилинган.

Хусусан, Яқасарой туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ўз ишчи бошлаган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ҳар кун табиркорларни қабул қилимоқда, шу билан бирга маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказмоқда.

Жумладан, мазкур фармонда табиркорларга алоҳида эътибор қаратилганини кўришимиз мумкин. Масалан:

– Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасида табиркорларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳўкуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шунингдек, бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳаракати (харакатсизлиги) юзасидан муурожаатлари кўриб чиқилмади;

– Масофадан туриб чет эл инвесторлари билан мулоқот қилиш, уларга шарт-шароитларни видео конференция орқали баён қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш учун “business.gov.uz” ягона интерактив портали жорий қилинган. Ушбу порталнинг афзаллиги шундаки ариза берувчи то-

монидан ўз шахсий кабинетини орқали муурожаатини кўриб чиқилиши жараянини реал вақт режимида кузатиб борилиши мумкин. Ушбу интерактив порталда муурожаатлар 7 кун муддатда кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 июлдаги 558-сонли қарориди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функцияларидан бири бу “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган асосий принципини ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмида амалга оширишни белгилайди.

Яқасарой туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига келиб тушган “Маъсуда бизнес” МЧЖ муурожаати кўриб чиқилди. Муурожаатга кўра МЧЖга туман электр тармоқлари қорхонаси томонидан 2 йилдан бери асосан ариза-вида электр энергияси таъминланмаганлиги, ушбу масъулияти чекланган жамияти раҳбари муурожаат қилмаган ташкилот қўлмаганлигини баён қилган. Мазкур ҳолат бўйича жойига чиқиб ўрганилди ва 1 кун муддатда туман электр энергияси қорхонаси томонидан электр энергияси уланиб берилди.

Бунга ўхшаш яна бир мисол, Покистон Республикаси фуқароси Syed Fayuz Ullahsan “IKAT VILLA” МЧЖ таъсисчи ҳисобланиб, бугунги кунда қорхонаси фаолиятини кенгайтириш мақсадида қўшимча равишда туризм йўналишини йўлга қўйишни нотирагага ўзига тегишли бинони турадан нотирагага ўтказиб меҳмонхона қилиш мақсадида Давлат хизматлари агентлигига муурожаат қилган, ушбу ариза туман ҳўкимлигига кўриб чиқиш учун юборилган. Ариза берилганига 1 ой бўлсада чет эл инвестори ариза-сига жавоб олмаётганлиги бўйича Бош вазир қабулхонасига муурожаат қилди. Ушбу ҳолат юзасидан жойига чиқиб ўрганиш натижасида 1 кун муддатда туман ҳўкимлигининг мазкур ҳолат юзасидан қарори чиқарилиб, муурожаатчига жавоб хатлари олиб берилди.

Албатта, бу каби мисоллардан бугунги кунда табиркорликни ривожлантириш бўйича олиб бораётган давлатимиз сиёсати самараси бераётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

С.ХУСАИНОВ, Яқасарой туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Табиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси муддир

Ўзбекистон ва жаҳон

ХАЛҚАРО АСАЛАРИЧИЛАР ФОРУМИДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ

Маълумки, ҳукуватимиз томонидан асаларичиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳага илғор тажрибаларни татбиқ этиш, ушбу соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда асаларичиларнинг лойиҳаларини молиялаштириш бўйича АТ “Алоқабанк” мазкур соҳага масъул банк этиб тайинланган.



Шунингдек, асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилли ишларини илмий асосда ташкил этиш, асал маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни республикамизнинг барча худудларида татбиқ этиш мақсадида “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси ташкил этилган.

Сўнгги йилларда АТ “Алоқабанк” ва “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси томонидан соҳани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 5-10 октябр кунлари Догистон Республикасида “Халқаро асаларичилар форуми 2019” бўлиб ўтди. Мазкур форум Каспий денгизини соҳилида жойлашган “Лез-



зет” санаторийсида ташкиллаштирилди.

Ушбу форумда Россия Федерациясининг 17 та худуди ва бошқа 2 та давлатлар қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Форумдан кўзланган асосий мақсад асаларичилик соҳасини янада ривожлантириш, мамлакатлар ўртасида мазкур соҳа бўйича билим ва тажрибалар алмашиш ҳамда асаларичиликка юзага келаётган турли хил касалликларнинг олдини олишга қаратилди. Бундан ташқари, ушбу халқаро анжуманида бутун дунё бўйлаб асаларичиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Умумий ҳисобда форумда 500 дан ортиқ иштирокчилар қатнашди. Форум якунида иштирокчилар турли номнациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Қувонарлиси, Ўзбекистон делегацияси биринчи марта табиқот этниги ҳақида фахрли 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳамюртларимиз асалари пакети-ни етказиб бериш бўйича умумий миқдори 1 400 000 АҚШ долларига тенг бўлган шартнома имзолашга ҳам муваффақ бўлишди.

Ҳар ҳолда нуфузли форумда илк бор иштирок этган бўлсак-да, ана шундай салмоқли муваффақиятларга эришидик. Асаларичиларимизнинг келажакда шу каби форумларда қатнашиб, бундан ҳам яхши натижаларга эришишларига умид қиламиз. (Ўз муҳбиримиз)

Бектемир тумани ҳўкимининг ҚАРОРИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2020 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ Тўғрисида

